ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ГЕНДЕР АСПЕКТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Г.И.Эргашева

Мақолада "Турли тизимдаги тилларда гендер аспектини тавсифлашда тилларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзгартирмаган ҳолда биргина усул билан тавсифлаш мумкинми? Турли тизимдаги тилларда гендер аспектининг умумлингвистик тушунчалари, категорияларини қўллаш ва татбиқ этишда муҳим ўзгартиришларга эҳтиёж борми?" деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: *гендер аспекти, тушунчавий категория, ижтимоий жинс, мутаносиблик, семиотика, лексикографик таҳлил, дискурс.*

В статье предпринята попытка ответить на вопросы: можно ли описать гендерный аспект в разносистемных языках каким-либо одним способом без существенных нарушений их специфики, приложимы ли к различным языкам мира установленные общие лингвистические понятия, общеизвестные категории и определения, или применение их к языкам различных структур нуждается в существенных коррективах?

Ключевые слова: *гендерный аспект, понятийная категория, социальный пол, соизмеримость, семиотика, лексикографический анализ, дискурс.*

The following article attempts to answer the question whether it is possible to describe gender aspect in the languages of different structures in any one way without significant violations of their specificity, if common linguistic concepts are applicable to a variety of languages of the world, if well-known categories and definitions or the use of the languages of different structures require significant corrections.

Key words*: gender aspect, conceptual category, social gender, commensurability, semiotics, lexicographical analysis, discourse.*

Дунё тилларини тавсифлаш масаласи умумий тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бу муаммо, шубҳасиз, турли йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган барча тилшуносларни қизиқтириб келади. Дунё тиллари структураларининг ҳар хиллиги билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини излаш ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кун тилшунослари олдига қўйиладиган мураккаб вазифадир.

Мақола мавзуси доирасидаги илмий таҳлилларимиз эмпирик тадқиқотларга асосланган. Зеро, В.Н.Ярцева ва Б.А.Серебренников таҳрири остида чоп этилган "Принципы описания языков мира" илмий тўплами нафақат тилларда гендер аспектини тавсифлашда, балки бошқа муҳим ва долзарб муаммоларни ечишда, муайян усул ва методларни яратишда назарий асос бўлиб хизмат қилди [5].

Эмпирик илмий тадқиқотлар бевосита объектга йўналтирилган бўлиб, кузатув ва тажриба асосида амалга оширилади. Ушбу тадқиқот йўналиши назарий тадқиқотлар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар биргаликда илмий билишнинг умумий структурасини ташкил этади: эмпирик тадқиқотлар назарий билишнинг ривожланишига имкон берса, назарий тадқиқотлар эмпирик тадқиқотларга янги истиқболлар очади.

Тилларда гендер аспектини тавсифлашда эмпирик тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Назарий тадқиқотлар ⟶ эмпирик тадқиқот ⟶ назарий хулоса

Илмий нуқтаи назардан амалга ошириладиган барча тадқиқотлар эмпирик тадқиқотлар сирасига киради.

Гендер тушунчавий категория сифатида

Инсонлар онгида тушунчавий категориянинг мавжудлиги илк бор даниялик олим Отто Есперсен томонидан тадқиқ этилган. Одатда, тушунчавий категория дунёнинг барча тилларига ёки кўплаб тилларига хос деб талқин қилинади. Унинг айнан бу хусусияти турли тизимдаги дунё тилларининг боғлиқлигини тасвирлашда асос ҳисобланади.

Айнан "жинс" тушунчавий категория ҳисобланади. Жинс реал борлиқда мавжуд, лекин тилда доим ҳам акс этавермайди.

Баъзан тушунча категорияси фалсафий ёки мантиқий (XVII-XIXасрлар рационал грамматикасида), психологик (XIX-XX аср бошларида, масалан Г.Пауль), "онтологик", "нолисоний", "когнитив", "концептуал", "семантик" (Кацнельсон) (Понятийные категории. http://philologam.com/) деб изоҳланади.

О.Есперсен грамматик омилларга нисбатан уч хил ёндашувни илгари суради: 1) шакл, 2) функция, 3) тушунча. Ушбу нуқтаи назардан О.Есперсен инглиз тилидаги ўтган замон шаклини мисол тариқасида келтиради. Унинг ҳосил бўлиш шакллари ҳар хил, лекин уларнинг барчаси бир хил функцияни

бажаради – претеритни ифодалайди. Бу тушунча сифатида – ҳозирги ва келаси замонларга хос эмаслик жиҳатидир [3.57-58.]. Шунга кўра, О.Есперсен синтактик категорияларнинг шакл ва тушунчага эга бўлишини таъкидлайди.

Маълумки, тушунча категорияларининг кўп қисми "ядро" ва "периферия"дан ташкил топган "майдон" структураси билан фарқланади. И.И.Мещанинов тушунча категориясига қуйидагича таъриф беради: "Тилда тушунча категориялари маълум бир ижтимоий муҳитда юзага келадиган тушунчалар асосида юзага келади". Бу тушунчалар тил орқали ифода этилмайди, балки унинг ўзида – лексик ва грамматик қатламларида намоён бўлади. Тилда ўзининг синтактик ва морфологик шаклига эга бўлган тушунча категориялари грамматик категориялар ҳисобланади [4.196.]. Демак, *жинс* тушунча категориясининг грамматик ядроси сифатида *род* категорияси намоён бўлади.

Тушунча ва грамматик категорияларнинг фарқи борасида тўхталадиган бўлсак, тушунчавий категориялар онгда жойлашган бўлиб, тажриба маҳсули ҳисобланади. Баъзи ҳолларда маълум бир тушунча категориялари тилда ўз грамматик шаклини топмаган бўлиши мумкин. Масалан, жинс тушунчавий категория ўзбек тилида грамматик шаклланмаган, бироқ бу омил ўзбек тили вакилларида род категорияси ҳақида тушунча йўқ дейишга асос бўла олмайди. Бу тушунча уларга тажрибада берилади.

Тушунчавий категория грамматик категорияга қараганда муҳимроқ деб қаралади, чунки грамматик категориялар ўзгарувчан бўлиб, баъзи бир тилларнинг тарихий жараёнида уларнинг ҳатто бутунлай йўқ бўлиб кетганлигини кузатиш мумкин [7.12.].

Тилларни тавсифлашда тил универсалиялари

Умуман олганда, ҳар бир тилда мавжуд бўлган универсал хусусиятлар ер юзида бир хил фундаментал асосларга эга бўлган – битта умуминсоний тил мавжуд дейишимизга асос бўлади. Фаолият юритаётган муайян миллий тиллар эса умуминсоний тилнинг вариантлари ҳисобланади.

Маълум бир тилнинг структура ва системасини унинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади. Масалан, номинатив бирликлар системаси тилларга хос бўлган универсалия деб талқин этилса, сўзларнинг маълум бир кўрсаткичларга кўра у ёки бу гуруҳларга ажратилиши ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган дифференциал хусусияти ҳисобланади. Шунга кўра Б.Серебренников структуранинг таркибини белгиловчи хусусиятлар ва структуравий хусусиятларни ажратиш муҳим эканлигини таъкидлайди. Структуранинг таркибини белгиловчи хусусиятлар – барча тилларга хос бўлган универсал хусусиятлар бўлиб (масалан: сўз, сўз бирикмалари, гапларнинг қурилиши), тилнинг коммуникатив белгиланган восита сифатида намоён бўлишини белгилайди. Структуравий хусусиятлар эса, ҳар бир муайян тилнинг дифференциал – ўзига хос хусусиятини белгилайди [7.56.].

Демак, структуранинг таркибини белгиловчи омиллар тафаккурни ифодаловчи функциясига бевосита боғлиқ бўлса, уларнинг ҳосил бўлиш жараёни муайян тилга боғлиқ бўлмаган холда, тилни инсоннинг онги ва тафаккурини намоён этувчи восита сифатида белгилайди.

Гендер (ижтимоий жинс) структуранинг таркибини белгиловчи хусусият сифатида намоён бўлади, унинг ҳар бир тилда ифодаланадиган дифференциал хусусияти эса тилнинг структуравий хусусиятини белгилайди.

Тилларни универсалиялар асосида тавсифлаш тилнинг табитига хос бўлган принцип асосида қурилган.

Тилларни тавсифлашнинг илмий методикаси икки йўналиш, яъни тавсифлаш мақсади ва тавсифлашга қаратилган материал хусусияти билан белгиланади.

Б.Серебренниковга кўра "турли тизимдаги тил материалларини тавсифлашда улардаги умумий ва ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш билан чегараланиш тадқиқот учун юзаки ёндашувдир. Қиёсий-типологик тадқиқ учун асоснинг ўзи етарли эмас, масалан вақт тушунчасининг маълум бир тилда у ёки бу усул билан изоҳлаш эмас, балки бу тушунчанинг унга яқин бошқа тушунчалар билан алоқасини ўрганиш муҳимроқдир. Шунинг учун, типологик таҳлилни тил ҳодисаларига бўлган семантик-функционал ёндашув билан амалга ошириш керак" [7.103.].

Гендер аспектини тадқиқ этишда тилларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда ер юзида 3000дан ортиқ бўлган, структура жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи тиллар мавжуд бўлишига қарамасдан, уларда умумий хусусиятлар борлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, товушларнинг маълум бир турлари ва умумий категорияларида, бўғинларнинг маълум бир турларида, грамматик шакллар, синтактик қурилмалар ва ҳ.к.да ўзига хос ўхшашликларни санаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, бир тилдаги семантик маъно грамматик корреляцияга учраб, грамматик категорияни ташкил этса, бошқа бир тилда эса лексик корреляцияга учраши мумкин. Масалан, гендер – род категорияси рус тилида грамматик категория ҳисобланса, инглиз ва ўзбек тилларида лексик категория сифатида намоён бўлади. "Туркий тилларда род грамматик категориясининг мавжуд эмаслиги табиий жинс ва род категориясининг ўзаро муносабатлари муаммосини йўқотса-да, бироқ ўзбек тили аниматив семантикани узатиб бера олмаслиги учун сабаб бўла олмайди, чунки табиий жинс тушунчаси лексик ва синтактик воситалар орқали ифодаланади" [6.74.].

Демак, ҳар бир тилнинг маълум бир сатҳдаги ўзига хос хусусияти маълум даражада бир хил элементларнинг ҳар хил ифодаланиши даражасида кузатиш мумкин.

Тарихий тилшуносликка кўра, бир-бирига умуман қариндош бўлмаган тилларнинг маълум системаларида ўзига хос ўхшашликлар бор. Демак, дунё тилларида бу ўхшашликларнинг юзага келишида қандайдир омиллар мавжуд эканлигига шубҳа йўқ. Бу омиллардан бири шахснинг биологик хусусиятлари ва унинг ижтимоий гендери хусусиятлари уйғунлигида юзага келади.

В.И.Дегтярев структуравий ва типологик жиҳатдан ҳар хил бўлган тиллардаги ўхшашликларнинг (асосан умумлингвистик категориялар) мавжудлигини ягона мантиқий асос ва тилнинг ўзига хос табиий белгилар системаси эканлиги билан изоҳлайди [2.174-175.]. Зеро, дунё тиллари қанчалик бир-биридан фарқ қилмасин, улар бир хил функцияни бажаради.

Тилларнинг мутаносиблиги

Баъзи бир тилларни тавсифлашда терминнинг муайян маъносини, бошқа бир тилни тавсифлаш учун эса, унинг бошқа маъноларини қўллашга тўғри келади. Бундай ёндашув уларнинг номутаносиблигига олиб келади. Бундай номутаносибликда тилларни қиёслаш тўғрисида сўз очиш ноўрин. Таҳлил қилинаётган тилларни бир хил маънога эга бўлган терминлар асосида қиёслаш ва чоғиштириш қулай ва мақсадга мувофиқдир.

Тилларни қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилганда, шубҳасиз, қиёслаш методи асосий ўринни эгаллайди. И.А.Бодуэн де Куртене айтганидек, қиёслаш методи барча фанларга зарур бўлган методлардан ҳисобланади [1.56.]. Бундай методни қўллашда тиллар ўзаро мутаносиб бўлиши, яъни бир хил терминологик аппарат асосида қиёсланиши керак. Бу қиёсий-тарихий, синхрон-типологик тадқиқотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди.

Муайян тилларнинг тарихини тадқиқ этишда турли даврдаги у ёки бу тил ҳодисаларини бир хил терминологик аппарат ёрдамида таҳлил қилиш жоизки, бу ўз навбатида турли даврдаги категорияларни солиштириш тилнинг ривожланиш жараёнини аниқроқ кўрсатиш имконини беради. Зеро,“маълум бир даврдаги тил қурилмасини ўтган давр категориялари билан ўлчаш ноўрин” [1.58.].

Тилларни гендер аспектида тавсифлашда бир хил тизимдаги терминологик аппарат қўлланилади. Гендерга оид терминологик аппаратнинг бир хил бўлиши тилнинг ягона табиий мақоми билан белгиланади.

Луғат тилларни тасвирлаш компоненти сифатида

Луғат ҳам ўз навбатида турли тизимдаги тилларни гендер аспекти нуқтаи назаридан тавсифлашда муҳим объект сифатида хизмат қилиши мумкин. Идеографик луғатлар, гендерга оид терминлар луғати, гендерга оид ихтисослашган терминлар луғати мисолида “семантик майдон” методи асосида концептуал гендер таҳлилларини амалга ошириш мумкин.

Семиологик принцип

Тилларни тавсифлашда семиологик принципни қўллаш гендер аспектининг баъзи бир муаммоларини ечишга имкон беради. Семиологик принцип тилни иерархик система сифатида кўришни тақозо этгани ҳолда гендер муаммоси ҳам айнан шу система таркибида шаклланади. Бундан ташқари, элементар семиологик функциялар (номинация, предикация, локация)нинг гендер аспектига татбиқи муҳим назарий ва амалий хулосаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тилларни гендер аспекти нуқтаи назаридан тавсифлашда қўлланадиган тамойиллар изчил хусусиятга эга бўлмаса-да, илмий таҳлилларимиз турли тизимдаги тилларда мавжуд бўлган гендер муаммосининг назарий хулосаларини ёритишда биринчи босқич вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Бодуэн де Куртене И.А. Некоторые общие замечания о языковедении и языке.– Избранные труды по общему языкознанию, Т. I-М., 1963.

2. Дегтярев В.И. Основы общей грамматики. Ростов – на-Дону, 1973.

3. Есперсен О. Философия грамматики. –М., 1958.

4. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. – Л., 1945.

5. Принципы описания языков мира. Под.ред. Б.Серебренников, В.Ярцева.. –М., 1976.

6. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. –Ташкент: Фан, 2005.

7. Серебренников Б. Описание языков с помощью понятийных категорий// Принципы описания языков мира. –М., 1976.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
2015 йил 21 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Г.Бакиева)